

Ўнги йилнингиз кутлуз бўлсин!

2012

O'zingizning yiliga



HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 28-dekabr, chorshanba • № 52 (752) • 1996-yil dekabrden chiqa boshlagan • elektron manzil: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

ҚУДРАТБАХШ ОДИМЛАР

Мамлакатимизда ўтган йигирма йил давомида муттасил, босқичма-босқич амалга оширилган туб ислохотлар пировардида фуқароларимиз дунёқарашининг ўзгаришига олиб келди. Тарихан янги дунёга эврилиш содир бўлди. Ўнг муҳими, раъиятда журъат уйғонди. Турмуш тарзидаги саркашлик барҳам топиб, аниқ мақсадлар сари интилишда яратилаётган шарт-шароитлардан рағбат топиш ҳисси сезила бошлади.

Азму шижоатли одамлар жамиятининг беазага айланди.

Омнинг маънавияти юксалган, ватансеварлик, фидойилик қарор топган, меҳнати қадрланган, ҳақ-хуқуқлари ҳурмат қилинадиган жамиятда буюк бунёдкорлик ишлари содир бўлади. Бундай бағри кенг, турмуш тарзи файзли, ўз қадриятларига эга мамлакатлар дунёда камдан-кам учрайди.

Кейинги йилларда "ким эдигу ким бўлди?" деган савол ҳар бир фаол замондошимиз тилида кунига неча бор айланаётганига амалда гувоҳ бўлиб турибмиз.


Юртбошимизнинг Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисида тақдир этган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" том маънода ижтимо-

ий ҳаётимизнинг мазмун-моҳиятини очиб берди. Бу эса, фуқаролик жамияти ривожига янги руҳ бағишлади.

Маълумки, белгиланган вазифаларни, дастур ва режаларни амалга оширишнинг омиллари кўп. Аммо уларни дунё тамаддунига мос равишда катта билим, уюшқоқлик ва жасорат билан, амалдаги барча талаб ва сифат кўрсаткичлари даражасида ҳаётга татбиқ этиш — бош масала.

Жорий йилда ўтган даврга нисбатан барча соҳаларда салмоқли одимлар ташланди.

Шуниси фахрлики, мамлакатни модернизациялаш, халқимиз турмуш тарзини фаровонлаштиришга қаратилган барча саъй-ҳаракатлар дунё миқёсида эътирофга сазовор бўлмоқда.



Биз танлаган йўл қандай қийин ва машаққатли бўлмасин, мен ишонч билан такрор айтаман — биз бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз ва ўз мақсад-муродимизга, албатта, етамиз.

Ислом КАРИМОВ

2»

Эзгуликка қўйилган ёдгорлик

28 декабрь — Хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи очилган кун

Президентимиз Ислом Каримовнинг роъси ва ташаббуси асосида мамлакатимизнинг бош майдонида қад ростлаган Мустақиллик ва эзгулик монументи ўз мазмун-моҳияти, меъморий ечими, роъвий-бадиий жиҳатлари билан халқимиз қалбидан чуқур жой олган. Маъно-мазмун билан Ўзбекистон танлаган йўл — Мустақиллик йўлининг теран ифодаси, халқимизнинг кўп асрлик қадриятлари яққол намоёнидир бу монумент.



Истиқлол йилларида Мустақиллик майдони улкан меъморий ансамблга айланди. Бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бош майдонимизнинг нафақат манзарасини, балки мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Бир пайтлар фақат бетону асфальт билан қопланган бу майдон эндиликда йил-ўн икки ой яшнаб турувчи кукаламзору турфа гуллари, дарахтлари билан ҳам кўзни қувонтиради. Кундуз-

лари куёш нурида, тунлари эса нурафшон чироқлар шуъласида жилоланувчи фавворалар майдон давосини мўътадил сақлайди. Бугун бу ерга келган ҳар бир киши ажиб бир сокинликни, ушбу сокинлик замиридаги тинчлик ва осойишталикни янада тирақроқ ҳис қилади.

Мустақиллик майдонига йўл Эзгулик аркасидан бошланади. Унинг тепасидаги оппоқ лайлақлар тинчлик ва фаровонликни, қанот қоқайтган турналар эса

давлатимизнинг порлоқ келажак сари дадил парвоз қилаётгани тимсолидир.

Президентимиз Ислом Каримов 2005 йилнинг 28 декабрида Мустақиллик майдонида қад ростлаган янги монумент пойига илк бор гулчамбар қўйди. Майдонда истиқлолимизнинг дастлабки кунларида барпо этилган Мустақиллик монументи олдида Бахтиёр она сиймоси жой олди.


2»

Мақсадимиз —

эл-юртга суянч ва таянч бўлиш

✓ Сарҳисоб

Шерзод
ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон
Журналистлари
ижодий
уюшмаси
раиси




Одатда йиллар алмашинаётган пайтларда ҳар бир инсонни ўзгача бир кайфият, қалбни ҳаяжонга солувчи ҳис-туйғулар, ўй-кечинмалар, орау-умидлар чулғаб олади. Янги — 2012 йил оstonасига қадам қўяётган айни дамларда ҳам худди шундай ҳолатни бошдан кечирмоқдамиз. Ўз-ўзимиз билан фикран суълашамиз: биз олдимизга олий мақсад деб қўйган эзгу ниятларимизга эришдикми? Умр, вақт деган буюк бир неъматнинг тузнини оқладдикми? Эл-юрт олдида юзимиз ёрурми? Ўтган йил учун, ой ва ҳафта, кун ва соат, лаҳзалар, бир сўз билан айтганда, ҳаётимиз учун қандай жавоб берамиз? Нималар қилдик, нималар армон бўлиб қолди?..

Бу саволларнинг ҳар бирини таҳлил қилар эканмиз, яқинда пойтахтимиз, вилоятлар ва туманларда катта шодиеналик билан нишонланган байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантаналар, ўз ҳаёти ва тақдирдан мамнун чехралар, одамлардаги кўтаринки кайфият кўз ўнгимиздан ўтди. Байрам кечасининг манзаралари — осмону фалақда чамқоқ янглиғ чараклаб, борлиқни турли ранглар оғушида беқийс гўзалликка бурқаб юборган ёғду-шуълалар қалбларга ажиб бир ҳарорат, қувонч ва ҳаяжон олиб кирди. Мустақиллик, буюк ва муқаддас Ватанини улғувчи қўшиқлар янгради, Истиқлол руҳи тантана қилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг шу кунги халқимизни байрам билан табриклаб: "Ўзбекистон мустақиллиги, ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган бу улғу сана кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз

аҳамияти, кадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламшумул воқеа бўлиб, абадий сақланиб қолажак" деб айтган сўзларини тинглар эканмиз, барча саволларимизга тўлиқ жавоб топгандек бўлди.

Донишмандлар айтмишлар: вақт — кадр-қиммати қилинган ишларнинг салмоғи, маъно ва мазмунидадир. Биз тарихга кузатаётган 2011 йил мамлакатимиз ва халқимиз учун кутлуғ келди. Бу йилнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий туб ўзгаришлар қўламоғи, моҳияти мислсиздир. Одамлар ҳаёти янгича маъно ва мазмун касб этди. Фуқаролар, айниқса, уларнинг илғор қисми — зукко зиёлилар, билимдон ёшларда янгилинишга интилиш, дунё миқёсида фаолият кўрсатиш, Истиқлолни мустаҳкамлаш йўлида ўз куч ва истеъдодини бағишлашга ҳозирлик руҳи қарор топди.

4»



ҚУДРАТБАХШ ОДИМЛАР

(Бошланғич 1-бетда.)

Айниқса, инсон омили, хусусан, оналик ва болалик муҳофазасига қаратилган ислохотлар, тиббиётни жаҳон андозаларига мос равишда такомиллаштириш, таълим соҳасини ривожлантириш, тадбиркорлик, кичик бизнес барқарорлигини таъминлаш, ҳуқуқ соҳасида инсонпарварликка берилган катта эътибор, малакали кадрлар тайёрлаш, иш таъминоти масалалари — барча-барчаси ўзининг аҳамияти кўламини яраша халқаро жамоатчиликнинг эътиборига тушмоқда.

Халқимиз ўз мустақиллигини кўлга киритган, бунёдкорлик салоҳиятини амалда кўрсата олгани фахрли, албатта. Бундан ҳам қувонарлик, гурурланишга арзийдиган омил бу — эришилган муваффақиятлар халқимизнинг турмуш тарзи фаровонлашувида ўз ифодасини топаётгандир.

Ўтган йиллар замондошларимиз ўзларининг шу тарихда яратувчанлик қобилиятини намойиш эта олгани билан тарихий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда шу йилнинг тўққиз ойида фойдаланишга топширилган ишлаб чиқариш иншоотлари миқдосига назар ташласак, нақадар кўламини ишлаб чиқаришга гувоҳ бўламиз. Хусусан, пойтахтимизнинг ўзида "Женерал Моторс Павертэйн" ўзбекистон қўшма корхонасида автомобиль двигателларини, "Зенит электроникс" қўшма корхонасида энергия тежовчи лампалар, "Самсунг" русумидаги кир ювиш машиналари, "НЕС Санлайт" қўшма корхонасида маиший газ плиталари, совутигилар, "Рав Экспресс" масъулияти чекланган жамиятида маиший электр техника учун тозаловчи мис трубкалар, Қорақалпоғистон Республикасидаги "Байт Мэшин Текнолоджи" қўшма корхонасида маиший электр чангюттичлар, Чуст шаҳридаги "Автосаноатпласт" масъулияти чекланган жамиятида автомобиллар учун инжекция қуйиш услуби ёрдамида пластик деталлар, Андижон шаҳрида автомобиллар учун резина зичлагичлар, "Ўзқабель" очик акциядорлик жамияти қўшма корхонаси ва "Андижонкабель" қўшма корхонасида янги турдаги кабель ўтказкич маҳсулотлар, "Ўзметкомбинат" очик акциядорлик жамиятида электр узатмалар учун кўп функцияли энергия тежовчи қурилмалар, "Тошкент трактор заводи" очик акциядорлик жамиятида янги ва замонавий қишлоқ хўжалик техникаси, "Ўз-Тексак" қўшма корхонасида синтетик мотор майлари, автомобиль симлари, диодли ёруғлик лампалари, косметика маҳсулотлари, гигиена воситалари, ва бошқа халқ хўжалиги учун зарур бўлган қатор маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган янги, юқори технология қувавтага эга иншоотлар ишга туширилди.

Биз эндиликда "...фойдаланишга топширилди" деган ахборотни кўп ҳам ҳаяжонга тушмай эшитадиган бўлиб қолдик. Аслида эса, мантиқан олиб қараладиган бўлса, у ёки бу объектни лойиҳалаштириш, молиялаштириш, барпо этиш, қад ростилашининг ўзи оламжаҳон заҳмат экани аён бўлади.

Биргина кучли автомобиль двигателларини ишлаб чиқарадиган "Женерал Моторс Павертэйн" ўзбекистон қўшма корхонасининг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрнини олиб қарайлик. Мазкур корхонага Юртбошимизнинг 2008 йил 16 декабрда қабул қилинган хорижий инвестициялар иштирокида куч агрегатлари ишлаб чиқарадиган "General Motors Powertrain" корхонасини ташкил қилишга оид қарори асосида пойдевор қўйил-

ган эди. Корхонанинг умумий қиймати 521,8 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Унинг ноёблиги шундаки, бундай корхоналар дунё бўйича санокли мамлакатлардагина мавжуд.

Фақат бугина эмас. Пойтахтни қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳри билан боғлайдиган, нафақат қиёматимизда, балки бутун дунёда санокли мамлакатлардагина бўлган "TALGO" тезюрар поезди ҳаракатининг йўлга қўйилгани, умуман соҳада халқаро талабларга мос хизмат кўрсатиш даражасини шаклланиши юртимизда яратувчанлик қудрати мавжудлигини далolatдир.

Хар йили ўтказилиши аниқанага айланган қолган Халқаро пахта ярмаркасида иштирок этиш учун ҳамкорларимиз сафининг тобора кенгайиб бораётганида мамлакатимиз пахта санoати нуфузини кўришишга имконияти мавжудлиги соҳаси таҳлиliga эътибор қаратиладиган бўлса, тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янада янгилаш мақсадида шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида 164,1 гектар майдонда 416 та иссиқхона ташкил этилди. 14,6 минг гектар майдонга мева-ли дарахт ниҳоллари экилди. Жумладан, 2,5 минг гектар майдонда эртапишар мева-ли боғ, 5,3 минг гектар майдонда узумзорлар барпо этилди. Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш бўйича моддий-техник базани мустақамлаш ва ривожлантиришга оид чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида 45,9 минг тонна сигимга эга 38 та янги мулатиш камераси ўрнатилди. 10,5 минг тонна сигимга эга 17 та музлатиш камераси модернизация қилинди. Бундан кенг кўламли ишлар атиги бир-икки йил оралиғида амалга оширилди. Рақамлар занжирини узок давом эттириш мумкин. Уларнинг замирида давлатимиз раҳбарларининг, меҳнаткаш халқимизнинг ҳамжихатлик билан бажарган шижоаткорлик, эл-юрт манфаатини кўлаб олиб борилган улкан бунёдкорлик салоҳияти намойиш бўлади.

Ўзбекистонда ҳамisha, ҳар қандай вазиятда ҳам аҳолининг қишлоқ хўжалиги соҳасида етиштириладиган гўшт, суг, галла, ёғ ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжлари қондириб келинган. Ниҳояттопаётган йил бошидан буён 12,7 минг бош қорамолга мўлжалланган 408 чорвачилик хўжалиги, 2,5 миллионга парранда боқишга мўлжалланган 608 паррандачилик хўжалиги, 2379 гектар сунъий ҳавзаларда 624 балиқчилик хўжалиги ташкил этилди. Чорва моллари сотиб олиш учун тижорат банклари томонидан 48,8 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2011 йилнинг тўққиз ойида қорамолларнинг умумий сони ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 6 фоизга, гўшт 6,9 фоиз, суг 7,2 фоиз, тухум етиштириш 13 фоизга кўпайди. Йил якунигача бу кўрсаткичларнинг салмоғи янада ошиши табиий.

Бозор иқтисодий механизми мамлакатимизнинг барча туман ва қишлоқлари, аҳоли пунктларини қамраб олган. Қишлоқ жойларида ҳам аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ҳамма жадвал суръатда оша бошлади. 2551 чакана савдо объекти, 300 умумий овқатланиш муассасаси ва маиший хизматлар кўрсатиш бўйича 1363 корхонанинг ишга туширилиши натижасида қишлоқ жойларида бир неча юз минглаб янги иш ўринлари ташкил этилди.

Халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобиль йўллари, шу жумладан, Ўзбекистон миллий автомагистрални участкаларини қуриш ва реконструкция

қилиш объектиларида 234,8 километр автомобиль йўлини асфальт-бетон билан қоплаш ишлари бажарилди. Шундан А-380 "Ғузур — Нукус — Кўнғирот — Бейнов" автотўлининг 77,5 километри ва А-373 "Тошкент — Ўш" автотўлининг 46,4 километрида ишлар якунланди.

Узунлиги 69 погонметрлик иккита, хусусан, Қашқадарё вилоятида "Ғузур — Чим — Кўқдала" автотўли ва Тошкент вилоятида "Ғулистон — Охангарон" йўналишида йўл ўтказкич фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Миллий автомагистрал буйлаб йўл ёқасида инфратузилма ва сервисни ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичларга мувофиқ, жорий йилнинг 34 та инфратузилма ва сервис объекти ишга туширилди. Буларнинг барчаси кўламининг катта-кичиклигига қарамай ўтаётган йўл думолида эл-юрт фаровонлигини кўлаб бажарилаётган ишларнинг улкан самарасидир.

Республикамиз оммавий ахборот воситаларида зўлтон қилинган маълумотларда 2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жаддалаштириш Дастурининг ижроси доирасида жорий йилнинг тўққиз ойида умумий қиймати 176,4 миллион долларга тенг капитал қўйилмалар ўзлаштирилгани, 192 юк ва 7 йўловчи ташиш вағони тайёрлангани, темир йўлларнинг тиклангани ўз зурини тоғлангани кўраимиз.

Келтирилаётган рақамлар салмоғига қараганда, 2011 йилда уй-жой қурилишини ривожлантириш Дастури доирасида жорий йил бошидан буён қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида 875,1 минг квадрат метрлик 5966 та яқка тартибдаги тураржойлар қурилди. Уй-жой қурилиши моддий-техник базасини мустақамлаш мақсадида жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида маҳаллий хомашё ресурслари ва компонентларидан фойдаланган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича 226 та янги корхона ишга туширилди. Деворбоп материаллар ишлаб чиқариш ҳажмининг янада ошириш ва сифатини яхшилаш мақсадида 125,5 миллион донга гилт ишлаб чиқариш қувватига эга 40 та корхона ишга туширилди, 28 та объект модернизация қилинди.

Уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича қўрилган қўшма чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида республика бўйича барча манбалар ҳисобидан жами 7400,7 минг квадрат метр, шу жумладан, қишлоқ жойларида 5776 минг квадрат метр тураржой фойдаланишга топширилди. 2194,2 километр, жумладан, қишлоқ жойларида 1934 километр сув тармоқлари ишга туширилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида январь — сентябрь ойлари маълумотига кўра, 33 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилган. Худудий дастурларга мувофиқ 815,4 мингта иш ўрни яратилган.

Ўтган давр мобайнида таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустақамлашга доир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. 7,7 минг нафар ўқувчи мўлжалланган 38 та янги умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди, 119 та мактаб реконструкция қилинди, 137 та мактаб капитал таъмирланди, 2,1 минг нафар ўқувчи мўлжалланган 2 та академик лицей, 2 та тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати, 1,8 минг нафар ўқувчи мўлжалланган 12 та касб-хунар коллежи барпо этилди ва реконструкция қилинди, 26 та ўрта махсус таълим муассасаси капитал таъмирланди.

Бўсағада турган янги 2012 йил ҳам замондошларимиздан катта шижоаткорликни кутмоқда. 2012-2014 йиллар мобайнида олис қишлоқларда аҳоли учун бирламчи тиббий ёрдамдан қулай ва тез фойдаланишни таъминлайдиган қўшимча 102 та ҚВП барпо этилиши назарда тутилган. Бу, аввало, аҳоли саломамлигини тиклаш учун янги қулайликлар яратилади, қолаверса, қўшимча минглаб иш ўринлари барпо бўлади, деганидир.

Халқимизнинг маънавий оламида ҳам салмоқли ўзгаришлар юз берди. Хусусан, пойтахтимизда барпо этилган, қамровига улуг мутафаккир Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона ва Симпозиумлар саройини олган "Маърифат маркази" мажмуининг қуриб битказилиши авлодларга бебаҳо туҳфа бўлди. Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституция қабул қилинганнинг 19 йиллиги арафасида телевидение кўрсатувларини HD (High-Definition) форматига таоман кўчириш учун дастлабки қадамлар қўйилгани, пировадда, барча телекўрсатувларда сифат ўзгаришлари содир бўлиши ҳам улкан муваффақиятлардан бирidir. Бугун мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланган кўрсатув ва эшиттиришлар интернет тармоғи замонавий талаблар асосида қайта ишловчи, одатий телевидение тасвири ҳажмининг сезиларли даражада оширувчи, ранг ва товушни қоллаш бўйича энг сўнгги русумдаги рақамли технологиялар эвазига юқори сифатли телевидение стандартлари — НДТУ тўпламига айланган жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида маҳаллий хомашё ресурслари ва компонентларидан фойдаланган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича 226 та янги корхона ишга туширилди. Деворбоп материаллар ишлаб чиқариш ҳажмининг янада ошириш ва сифатини яхшилаш мақсадида 125,5 миллион донга гилт ишлаб чиқариш қувватига эга 40 та корхона ишга туширилди, 28 та объект модернизация қилинди.

Уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича қўрилган қўшма чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида республика бўйича барча манбалар ҳисобидан жами 7400,7 минг квадрат метр, шу жумладан, қишлоқ жойларида 5776 минг квадрат метр тураржой фойдаланишга топширилди. 2194,2 километр, жумладан, қишлоқ жойларида 1934 километр сув тармоқлари ишга туширилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида январь — сентябрь ойлари маълумотига кўра, 33 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилган. Худудий дастурларга мувофиқ 815,4 мингта иш ўрни яратилган.

Ўтган давр мобайнида таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустақамлашга доир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. 7,7 минг нафар ўқувчи мўлжалланган 38 та янги умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди, 119 та мактаб реконструкция қилинди, 137 та мактаб капитал таъмирланди, 2,1 минг нафар ўқувчи мўлжалланган 2 та академик лицей, 2 та тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати, 1,8 минг нафар ўқувчи мўлжалланган 12 та касб-хунар коллежи барпо этилди ва реконструкция қилинди, 26 та ўрта махсус таълим муассасаси капитал таъмирланди.

Ўқтам МИРЗАЁРОВ

(Бошланғич 1-бетда.)

Юртбошимизнинг таклифига биноан, ушбу мажмуага хуриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи, деб ном берилди.

Мустақиллик ва эзгулик уй-ғун тушунчалардир. Халқимиз учун мустақиллик — тинчлик-фаровонлик, гурур ва ифтихор, эзгулик эса — меҳроқибат, маънавий баркамоллик деганидир.

Бугун ушбу монумент пойига зийратга келган ватандошларимиз Ер қурраси тасвирида алоҳида ажралиб турган Ўзбекистон харитасини кўриб, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини ҳис қилади. Фарзандини бағрига босиб турган бахтиёр она сиймосида ўз онасини, бегубор болалигини, баркамол авлодини кўргандек бўлади.

Она деганда кўз олдимизда меҳрибон, жонқуяр, сабрматонатли, муштипар аёл тимсоли гавдаланади. Уни ардоқлаш, меҳр-муҳаббатига яраша эъзоз ва эътибор кўрсатиш дунёдаги энг эзгу тимсоли гавдаланади. Уни ардоқлаш, меҳр-муҳаббатига яраша эъзоз ва эътибор кўрсатиш дунёдаги энг эзгу тимсоли гавдаланади. Уни ардоқлаш, меҳр-муҳаббатига яраша эъзоз ва эътибор кўрсатиш дунёдаги энг эзгу тимсоли гавдаланади. Уни ардоқлаш, меҳр-муҳаббатига яраша эъзоз ва эътибор кўрсатиш дунёдаги энг эзгу тимсоли гавдаланади.

Шу жиҳатдан бу мажмуа нафақат ўзининг меъморий ечимини, балки гоёвий-баддий юки, тарбиявий аҳамияти би-

Эзгуликка қўйилган ёдгорлик

лан ҳам қадридир. Чунки инсоннинг маънавияти ва дунё-қарашини белгилайдиган мезонлар айнан она бағрида, оила муҳитида қуртқаб элади.

Президентимиз "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига таъкидлаганидек, ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғуларини, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурларини биринчи галда оила бағрида шаклланади.

Халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас даргоҳ деб билган, ота-оналар ўз фарзандларини яхшилик ва олият юртимизда хотин-қизлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканигининг, оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотиға кўрсатилаётган юксак эътибор ва ахтирнинг ёркин ифодасидир.

Шу жиҳатдан бу мажмуа нафақат ўзининг меъморий ечимини, балки гоёвий-баддий юки, тарбиявий аҳамияти би-

бошимизнинг ташаббуси билан кириб келаётган 2012 йилга Мустақам оила йили, деб ном берилгани ҳам бу эзгу ишлар бардавом эканидан далolatдир.

Бугун мустақил ҳаётга қадам қўяётган келин-куёвлар Бахтиёр она пойига гул қўярсан, унинг сиймосида ўзининг беғубор, пок орзуларини кўргандек бўлади. Мустақиллик ва Эзгуликни ўз ҳаётий мезонига айлантириб, келажак авлодларга етказиш масъулиятини англайди.

Ушбу улугвор монумент бунёд этилган, умумхалқ байрамлари ва тантанали маросимларда, спортчиларимизни халқаро мусобақаларга кузатиш пайтида унинг пойига гулчамбарлар қўйиш аниқанага айланган. Юртимизга таширф буюрган хорижий мамлакатлар раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари давлатимизга бўлган ҳурматини ушбу Монумент пойига гулчамбар қўйиш орқали ифода этмоқда. Мактаб остонасига қадам қўяётган ўқувчиларнинг Мустақиллик дарслари ҳам айнан шу муътабар масканда ўтказилмоқда.

Пойтахтимизга таширф буюрган меҳмонлар дастлаб Мустақиллик майдонини зийрат қилади. Улар орасида мактаб ўқувчилари, талабалар, нуруний отахону онахонлар, хорижлик сайёҳларни учратиш мумкин.

Мустақиллик майдони Янги йил байрами арафасида янада кўркам ва файзли қиёфа касб этган. Бу ерда қад ростлаган улкан арча катта ки-чikka бирдек завқ улашмоқда. Турфа безаклар, аттракционлар, театрлашган мусикий дастурлар майдонда ўтказилаётган байрам шодиёналарига ўзгача шукўҳ бахш этмоқда. Бу юртимиздаги тинчлик ва осойишталик натижасидир.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Солиқ идораларида

Интерактив хизмат афзалликлари

Мамлакатимиз солиқ тизими фаолиятида ахборот ашшоув сифатини ошириш, солиқ тўловчиларга интерактив хизмат турларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Айни пайтда республика давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўн беш турдаги интерактив хизмат жорий этилган. Улардан бири "Фуқароларнинг мурожаатлари" деб номланган, асосан жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат солиқ хизмати органларига мурожаатларини ҳудудий хизмат турлари учун мўлжалланган. Юборилган мурожаатлар расман қабул қилинади ва белгиланган тартибда қуриб чиқилади.

"Текириш режа-жадвали" хизмати юридик шахслар учун мўлжалланган бўлиб, юридик

шахс — солиқ тўловчи учун сўров бўйича назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар текшируви режа-жадвалидан тегишли давр учун кўчирма тақдим этади. "Солиқ тўловчиларни рўйхатдан ўтказиш" хизмати эса шахар ва туман ҳокимликлари ҳузурдаги рўйхатдан ўтказиш органлари, шунингдек, минтақавий адлия органлари учун. Кириш имконияти чекланган <https://soliq.uz> сайтида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда уларга СТИР тақдим этишни амалга оширади. Бу хизмат турининг аҳамияти шундаки, тадбиркорлар бир вақтнинг ўзида солиқ органларига таширф буюрмасдан солиқ ва статистика органларида ҳисобга олинади.

"Электрон солиқ ҳисоботлари" интерактив хизмати ҳам юридик шахслар манфаатига қаратилган. Электрон ҳужжат кўринишидаги ҳисоб-китоблар солиқ тўловчилар томонидан автоматлаштирилган ҳолда шакллантирилади, жўнатилади ҳамда давлат ҳокимликлари органлари томонидан қабул қилинади.

Бундан ташқари, жисмоний шахслар учун "Солиқ текшируви натижалари", "Кви-танцияни шакллантириш", "СТИРнингизни аниқланг", "СМС тўлов" каби интерактив хизматлар йўлга қўйилганки, улар шубҳасиз, солиққа оид қўлаб масалаларни ҳеч бир қийинчиликсиз ҳал этишга хизмат қилади.

Нуриддин ҒУЛОМОВ,
Чилонзор тумани ДСИ
бўлим бошлиғи

Дастурий қондалар ижроси


Юртбошимизнинг 2010 йил 24 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тушириш юзасидан оширилаётган ишлар кўлами тобора ортиб бормоқда. Бу борада солиқ инспекциялари томонидан аҳоли ўртасида семинар йиғилишлар, давра суҳбатлари, очик эшиклар куни, савол-жавоб кечалари ташкил этилмоқда. Уларда мазкур қарор ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти атрофлича тушунтириб берилмоқда.

Бектемир туманида 2011 йил 1 декабрь ҳолатига 854 та корхона ва ташкилот фео-

лият юритиб келмоқда. Улар томонидан бюджетга жорий йилнинг ноябрь ойи учун белгиланган режа 101 фоизга бажарилди. Маҳаллий бюджет бўйича эса режа 100,4 фоизни ташкил этди. Шунингдек, пенсия жамғармалари, мактаб фондини ривожлантириш ва реконструкция қилиш, йўл қурилиши каби соҳалардаги кўрсаткичлар ҳам ортиги билан адо этилди.

Галдаги вазифамиз — 2012 йилда ҳам солиқ идораларида амалда жорий этилган дастурий қондаларга кўра ишимизни янада такомиллаштириб, мамлакатимизда асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тобора юксалишига муносиб ҳисса қўшишдир.

Ато НАРЗИЕВ,
Бектемир тумани ДСИ бўлим бошлиғи



ЖАРАЁН

Таълим

Малакали мутахассис — давр қаноти

Афсоналардаги учқур қанотли тулпорлар тимсоли бугун шамолдек слиб кетаётган поездларга кўчган бўлса ажабмас. Ахир кўз очиб юмгунча фурсатда манзилнингизга элтиб кўяётган тезуорар поездлар қайси афсонавий тулпордан кам? Инсонлар узоғини яқин, оғирини енгил қилаётган темир йўллар ва уларда фаолият кўрсатаётган темир йўлчилар меҳнати бугун ҳар жиҳатдан юксак эътибор ва эътирофга лойиқ.

ва ишлаб чиқариш жараёнлари уйғунлигига эришилмоқда. Институтимизнинг моддий-техник базаси ва яратилган шарт-шароитлар ҳавас қилишга арзигулик. Укув ва лаборатория хоналари, устахоналар, ўкув амалиёт майдонлари барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Ҳавас қилгулик спорт мажмуамиз талабалар хизматида. Ётоқхоналар шинам ва ораста.

комотивлар ва вагонларни модернизация қилиш, хизмат қилиш муддатларини узайтириш услублари яратилди. Шу кунларда Андижон механика заводида тайёрланаётган вагон-цистерналарни синаб кўриш юзасидан ишлаб чиқилган янгича услуб амалиётга кенг жорий этилмоқда. Бу эса йилга салкам 100 миллион сўмини тежаш имконини беради. Биргина мисол. Институт олимлари ишланмалари ҳаракатланувчи таркибини лойihalаштириш, улардан фойдаланиш ва таъмирлашда, шаклантирилаётган трансфонт темир йўли коридорининг дастлабки участкаси — Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўлини лойihalаштириш ва қуришда, «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрган» янги темир йўли линиясини барпо этишда, «Тошкент — Ангрен» участкасини электрлаштириш, шунингдек Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электропоезди қатновини йўлга қўйишда муваффақиятли қўлланилди. Хуллас, бугунги кунда мазкур йirik таълим даргоҳида мамлакатимиз олий мактабининг энг яхши анъаналари илғор халқаро тажрибалар билан уйғун ҳолда бойитиб борилмоқда.

Инсон маънавий камолоти ва жисмоний баркамоллиги унинг фаолияти негизи ва ютуқлари омилдир. Шу маънода, институтда талаба ва ходимларнинг меҳнат қилиш, илм ўрганиш, хордиқ чиқариш учун яратилаётган шарт-шароитлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Сўнгги йилларда бу ерда замонавий темир йўли техникаси ҳамда инфратузилма намуналари ва макетлари билан жиҳозланган ўкув полигони ташкил этилди. Ўкув жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида 40 та компьютер синфи, маърузалар ўқилайдиган 25 мультимедиа аудиторияси энг сўнгги ускуналар билан жиҳозланди. Замонавий ахборт-ресурс марказига айлантирилган институт кутубхонаси электрон базадан ташқари кўплаб илмий-техник адабиётлар билан бойитилди.

Мухтасар айтганда, бугун Ватанимиз олдида турган ҳеч кимдан кам бўлмайдиган озод, обод, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришдек устувор вазифани ҳал этишга қодир янги авлодни тарбиялашда, темир йўлчи деган шарафли касбга меҳр қўйган ёшларга таълим беришда улар парвозига бамисоли қанот бўлаётган Тошкент темир йўли муҳандислари институти жамоаси ўз зиммаларидаги юксак масъулиятни теран англаган ҳолда самарали фаолият олиб бормоқда.

Хидоят ЖУРАЕВА, «Hurriyat» муҳбири



— Олийгоҳимиз бугунги кунда мамлакатимизнинг ийрик таълим ва илм-фан маркази ҳисобланади, — дейди институт биринчи проректори, физика-математика фанлари доктори Ботир Зокиров. — У ўзининг саксон йиллик профессионал ва педагогик анъаналарига эга. Илмий тадқиқотлари ва таълим технологияларини янгилаб боришга бу ерда доим алоҳида эътибор қилинади.

Хуллас, бунда яшаш, ўқиш ва темир йўллар ижодкорлиги учун ҳамма шароит муҳайё. Институтда кадрлар тайёрлаш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда илғор хорижий олий ўкув юртлири билан самарали ҳамкорлик кенг йўлга қўйилган. Жамоанинг илмий ва амалий ёрдами тули файли тармоқни ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва

технологик қайта жиҳозлаш дастурлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Институт олимлари томонидан ҳаракатланувчи таркибини таъмирлаш бўйича янги технологик жараёнлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Ло-

бор қаратилади. Мутахассислар тайёрлашнинг инновацион услуби — устувор вазифаларимиздан бири бўлиб, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси буюртмалари — лойihalарни амалга оширишда таълим

Азиз ҳалиюртларимизни
Янги йил шодийоналари билан
қизғин табриклаймиз.
Малакатишда
тараққиёт ва фаровонлик
ҳар доимиздек барқарор
бўлиб бораверсин.
Ҳар бир хонадонга, ҳар бир оиллага
бахту саодат кўлиб боқсин.
Фарғона вилоят «Матбуот тарқатувчи»
шўба корхонаси



«Урганч ёғ» ОАЖ АК Жамоаси

барча юртдошларимизни
Янги йил байрами билан
чин кўнгилдан муборакбод этади.
Янги йил қутлуғ келсин,
эски йилда амалга ошмаган барча
режаларимиз рўёбга чиқсин.
Омад, бахт, қувонч
ҳаммамизга ҳамроҳ бўлсин.
Байрамингиз билан, азиз юртдошлар!

Ўзбекистон Куролли Кучларининг 20 йиллигига

Болалигида ҳарбийликни орзу қилиб, «аскар-аскар» ўйнамаган ўғил бола бўлмас керак. Бу ҳис-туйғулар инсон камолоти давомида шаклланиб, уйғунлашиб йиғилмак фаслида қатъий мақсадга айланади.

Ўтқир Бобомуродов ҳаётини, тақдирини Ватанимиз дахл-сизлигини таъминловчи қаҳрамонона касб — ҳарбийликка бағишлаган инсонлардан бири. Унинг болалиги Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги кишлоқлардан отирида гоҳ тол хивчандан бир миниб суворий, гоҳида бобосининг аскарликдаги шапқасини кийволиб ўртоқлари билан «аскар-аскар» ўйнаган ҳолда кечди. Чанг кўча тупроқларини тўзгитиб юрган болақайнинг орзулари осмон қадар эди. Телевизорда ҳарбийлар ҳақида бериладиган кўрсатувларни томоша қиларкан, «албатта, аскар бўлам» дерди. Йиллар ўтиб, бу орзулар мақсадга айланди. Уғлидаги ҳарбийликка иштиёқни кўрган отаси уни Самарқанддаги республика ихтисослашган ҳарбий мактаб-

ДАРЁЛАР СОБИТДИР...

интернатга ўқишга берди. 1989-1993 йилларда ҳарбий таълимни Владикавказ олий ҳарбий умумқўшун командири билим юртида давом эттирди. Бу даврлар мамлакатимиз сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар, муҳим воқеалар рўй бераётган пайтлар эди. У олис юртлардан туриб, она диёримизда содир бўлаётган воқеаларни кузатаркан, юрт тинчлиги, эрки, осойишталиги йўлида камарбаста бўлишни ўзининг энг олий бурчи деб билди.

Ўтқир Бобомуродов ўтган йиллар давомида гоҳ Сирдарё, гоҳ Бухоро, гоҳида Қашқадарёнинг жазира сарҳадларида ўз бурчини садоқат билан бажарди. Аини пайтда эса Навоий вилоят Мудофаа ишлари бошқармасида қақирув бўлими бошлиғи вазифасида бурчини адо этмоқда. Ватан унинг хизматларини беэътибор қолдирмади. 1996 йили «Жасорат» медали, 2011 йилда «Мустақилликнинг 20 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ийилар шамолдек югурик, деганлари рост экан. Ўтқир оилада воёга етаётган икки фарзанди мамлакатимиз келажаги учун муносиб кадрлар бўлиб камолга етаётганидан гурурланади. Уғли Аббосжон Навоий техника-иқтисодиёт касб-хунар коллежида тақсил олишдан ташқари спортнинг сузиш тури билан мунтазам шугулланиб келади. У ҳам отаси каби она Ватанининг жасур побони бўлишни орзу қилади. Табиатан хушчақчақ Ўтқир Бобомуродов оилада болалар тарбиясига жиддий эътибор берадиган оталардан. Зеро, фарзанд характери, табияти ва дунёқарашини белгилайди-ган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик, эзгулик, олижаноблик, меҳр-оқибат, ор-номус, андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оилада шаклланишини мақоламиз қаҳрамони теран англайди. — Инсон қайси вазифада, қаерда ишлашдан қатъи назар, аввало, инсонийлик бурчини унутмаслиги лозим, — дейди у. — Ватанга садоқат юрт тинчлиги, фарзандларимиз камоли, элимиз осойишталигини белгилайди. Шундай экан, жисмонан бақувват, маънан етуқ Ватан фидоиларини тарбиялаш — бизнинг асосий вазифамиз. Зеро, бу мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, давлатимизнинг барқарор ривожланиб боришининг муҳим шартларидан биридир. Таникли шоир Максуд Шайхзода шундай ёзганди: Дарёлар собитдир — сувлар кўнчинчи, Ҳаёт абадийдир — умр ўтқинчи. Шу ўтқинчи умр давомида кимдир Ватани, халқини улуглаб яшашга интилади. Бундай инсонлар тарбия қилаётган ёшлар келажақ авлодларга мангу ибрат вазифасини ўтайди, албатта.

Маърифат ШАРИПОВА

Тиббиёт

Аҳоли саломатлиги доимий эътиборда

Кейинги йилларда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида мамлакатимизда жуда катта ишлар қилинмоқда. Айниқса, соғлиғини йўқотган кишиларда ногиронликнинг олдини олиш борасида «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун асосида кенг қамровли профилактик ишлар олиб борилаётти. Бизнинг жамоамизнинг вазифаси ҳам турли сабабларга кўра ўз соғлиғини йўқотган инсонларни меҳнат жамоасига қайтариш, уларда меҳнатга лаёқатини тиклашдан иборат. Жамоамиз ходимлари бу йўналишда жорий йил мобайнида бир қатор ижобий кўрсаткичларга эришти. Жумладан, бирламчи ногиронлик 60

нафарга, қайта ногиронлик 317 нафарга камайдди. ТМЭКнинг қайта назорат кўриги орқали 246 нафар фуқаронинг ногиронлик гуруҳи бекор қилинди. 196 нафар фуқаронинг эса ногиронлик гуруҳи енгиллаштирилди. Мақсадимиз — истиқлол йилларида эришилган ва эришилаётган ана шундай ижобий натижаларимизни мустаҳкамлаш учун 2012 йилда ҳам мавжуд шарт-шароитлардан тўла ва самарали фойдаланиб, аҳоли саломатлигини муқом эътиборда тутишдир.

Баҳодир АТАБАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси 9-сонли фтизиатрия ТМЭК раиси

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ИККИ БОШЛИ БОЛА

Бразилияда икки бошли бола дунёга келди. 25 ёшли Мария-де-Назаре кўзи ёришидан бир неча соат олдин ультратовуш текширувидан ўтгач, туғилажак фарзанднинг норасо эканидан хабар топди. Шундай бўлса-да, она гўдакни сақлаб қолишга қарор қилди.



Аваллига шифокорлар аёл эгизак фарзандлар кутяпти, деган хаёлга боришган. Аммо кейинроқ она қорнида фақатгина битта бола ривожланаётгани ва унинг икки бўйин - боши борлиги маълум бўлди. Одатда бундай вазиятда туғиш она ва бола учун жуда хавфли кечади. Шу сабаб шифокорлар вақти-соати келганда она қорнидан болани олиш энг тўғри қарор, деб билишди.


— Кичик шифохонамиздаги камчиликларга қарамай, ҳам она, ҳам боланинг ҳаётини сақлаб қолишни ууддалдик. Хайратланарлиси, бола соппа-соғ, — дейди шифохона раҳбари.

Боланинг ҳар иккала боши ўз-ўзини мустақил идора қила олади. Шунинг учун шифокорлар жарроҳлик амалиётига эҳтиёж сезишмаяпти.

Айтиш керакки, яқунланаётган йилнинг ўзида Бразилияда иккинчи мартаба шундай ҳолат юзга келган. Бироқ аввалги кўшалок эгизаклар бир неча соат умр кўрган.

СИФАТСИЗ ИМПЛАНТАТЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

Интерпол имплантат кўкракларни ишлаб чиқарувчи Франциядаги компаниянинг собиқ раҳбарига нисбатан халқаро қидирув эълон қилди. Чунки бу каби жарроҳлик йўли билан кўчирилаётган сунъий кўкраклар соғлиқ учун хавфли экани исботланди. Маълум бўлишича, ҳозирда 72 ёшли айбланувчи Жан-Клод Мас Коста-Рикога яширинган.




Франция ҳукумати воқеага ҳеч қандай изоҳ бериш ниятида эмас, аммо мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги барча хоҳловчиларга сифатсиз кўкракларни алмаштириб беришни ваъда қилди.

«Associated Press» берган маълумотларга қараганда, ўнлаб мамлакатлардан 30 мингдан зиёд аёллар ўзи учун хавфли саналган худди шу турдаги имплантатларга харидор бўлган.

Дараклар

СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

«Интерфакс» тарқатган маълумотларга қараганда, «Меридиан-5» сунъий йўлдошининг бир бўлаги Новосибирск вилоятидаги уй томига тушган. Хайриятки, бундан ҳеч кимга зиён-заҳмат етмади. Воқеа жойидан 50 сантиметр диаметрга эга айлана шаклдаги металл топилиб, радиохимик текширувга юборилди.




Маълум бўлишича, «Меридиан-5» сунъий йўлдошининг алоқа воситаси Ер орбитасига учирилган. Аммо парвознинг 421-сониясида двигатель тизимида юзга келган носозлик барчасига нуқта кўйган. Ҳалокатга учраган сунъий йўлдош бўлақларининг асосий қисми Тюменск ва Новосибирск худудларидан топилган.

«Меридиан» сунъий йўлдошидан Шимолий денгиз йўлидаги авиация ва кемалар билан алоқани таъминлаш ҳамда ҳарбий фаолиятда фойдаланиларди. Россияда жорий йилнинг ўзида бешинчи мартаба сунъий йўлдош билан боғлиқ ҳалокат содир бўлди.

4 МЕТРЛИК РОБОТ

Япониялик инженер Хажиме Сакамото баландлиги 4 метр келадиган одам кўринишидаги роботни яратиш ниятида эканини оммага маълум қилди. Янги ихтиро нима ишларга қодирлиги ва қандай вазифаларни бажариши ҳақида маълумот берилмаяпти, аммо унинг ички қисмидан инсон бошқариши учун мўлжалланган кабина жой олади.



Ҳозир Сакамото лойиҳани амалга ошириш учун ҳомий қидирмоқда. Инженер робот эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқишга қодир бир қанча компаниялар билан келишиб ҳам кўйган. Қолаверса, у 4 метрлик роботларни ишлаб чиқариш билан чекланб қолмоқчи эмас. Уйланган лойиҳа ниҳоясига етгач, у 8 ва 18 метр баландликдаги роботларни яратмоқчи.

Хажиме Сакамото хусусий илмий текширув институтига эга бўлиб, шу кунгача ўнлаб турдаги роботларга асос солган. 2009 йилда у юришга ва футбол ўйнашга қодир «Hajime-33» роботини жаҳон ахли эътиборига намойиш этганди.

Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жамоаси

бутун республика аҳолисини
Янги йил билан табриклайди ва миллий
валютадаги янги «ҚИШ ТУҲФАСИ»
муддатли депозити амалга
киритилганлигини маълум қилади.

«ҚИШ ТУҲФАСИ»

- сақлаш муддати — 45 кун;
- биринчи бадал миқдори чекланмаган;
- омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади;
- фойзалар сақлаш муддати тугаганидан кейин тўланади.

Омонатга пул маблағлари нақд шаклда 2011 йил 20 декабрдан 2012 йил 10 январгача қабул қилинади.

Шу билан бирга, банк миллий валютадаги «Айём», «Олтин куз», «Хотиржамлик» муддатли депозитларининг амал қилиш муддати илгари тасдиқланган шартларда 2012 йил 10 апрелгача узайтирилганлигини маълум қилади.

Ўз жамғармаларини бошқаришни бизга ишониб топширганларнинг фарвонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча ахборотни 235-42-83, 234-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг исталган бўлими/филиали/дан олиш мумкин.

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

Ватанимиз озодлиги ва ободлиги йўлида
фидокорона меҳнат қилаётган барча
юртдошларимизни, ишбилармон ва
тадбиркорларни кириб келаётган

2012 йил — Мустақам оила йили

билан муборакбод этади.

Янги йил ҳар бирингизнинг хонадонингизга
қут-барака,
тинчлик-тотувлик олиб келсин!



«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» масъуляти чекланган жамияти

2012 йил 27 январь кунин
очик аукцион
савдоларини ўтказлади

Савдоларга, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 28-уй манзилида жойлашган «банкрот» деб эътироф этилган «PROFI PLAST INVEST PLUS» масъуляти чекланган жамиятига қарашли 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01959 GAA, бошланғич нархи 9 898 000 сўм бўлган «НЕКСИЯ-S150GL» ҳамда Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, А.Шоший 4-бەрк кўчаси, 32-уйда жойлашган «GRAND TEA PACKING» масъуляти чекланган жамиятга қарашли 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/050 NAA, бошланғич нархи 9 667 000 сўм бўлган «НЕКСИЯ S150» русумли автотранспорт воситалари кўйилди.

Ушбу мулкларни тугатиш бошқарувчиси иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин.

Мазкур объектлар юқорида белгиланган савдо кунинда сотилмаган тақдирда 2012 йил 2-9 февраль кунлари ўтказиладиган савдоларга қайтадан кўйилди.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар белгиланган муддатларда куйидаги ҳужжатларни тақдим этдилар:

— аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада;

— закатат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;

— ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;


— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархининг камида 10 фоизи миқдорда закатат пули «Toshkent kim oshdi savdolari» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»нинг Шайхонтоқур филиалидаги ФД 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисоб рақамига тўланади.

Буюртмаларни қабул қилиш аукцион ўтказиладиган куйида келтирилган манзилда эълон чоп этилган кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади. Савдолар соат 10-00да бошланади.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоқур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй.

Алоқа телефони (+998 93) 388-6996, электрон манзил tkos-mail@inbox.ru



2012 йил – Мустақкам оила йили

Улуғ фалсафа

Юртбошимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида 2012 йилга "Мустақкам оила йили" деб ном беришни таклиф қилар экан, шундай деди: "Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдигани, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлиши фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳаммаша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди".

Дарвоқе, мамлакатимизда ёшларга — фарзандларга берилаётган имтиёзлар ва қўлайликлар бугунги кунда бошқа мамлакатларда камдан-кам учрайди. Айниқса, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ана шу гамжўрликнинг яққол далилидир. Қонун 32 моддадан иборат бўлиб, унда бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатлар тартибга солинган. Шу билан бирга,

бола — ўн саккиз ёшга тўлганга (воёга етгунга) қадар бўлган шахс, боланинг қонуний вакиллари — ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар, васийлик ва ҳомийлик — ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар таъминоти, тарбияси, таълими, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий шакли каби қатор изоҳли тушунчалар қонун моддаларини оддий кишилар учун ҳам тушунарли бўлишини таъминлаганлиги мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимиз Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳар бир болага инсон ҳуқуқ-эркинликлари тегишли эканини, улар давлат томонидан кафолатланишини таъминлайди. Давлат болаларни барча шакллардаги камситишлардан ҳимоя қилиш йўлида муттасил зарур чораларни кўриб боради. Қонунда болаларнинг шахсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва кафо-

латлари аниқ баён қилинган. Масалан, 8-моддада "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир боланинг узвий ҳуқуқидир, бола ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир" деб кўрсатилган. Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатлари эса 20-моддада ёрқин ифода топган.

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари ўз маърузасида одамзот доим фарзанди келажакни ўйлаб яшашини таъликдлаганлари бағоят ибратли фалсафадир. Зеро, фарзандлар, ёшлар — ҳар бир юрт ва миллат келажаги, салоҳияти, куч-қудрат манбаи. Тараққиётга интилаётган ҳар қандай жамият борки, улар ҳақда гамжўрлик қилишни биринчи галдаги вазифа деб билади. Яна Юртбошимиз таъбири билан айтандиган бўлсак, "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт".

Ҳолида ҲАМРОЕВА,
Ғиждувон туманидаги 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси

Ҳуқуқий кафолат

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён азалий анъаналаримизни ўзида мужассам этган кўпгина янги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Жумладан, Президентимизнинг 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воёга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори соғлом оилани шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 июлдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги қарори оила ва турмушга нисбатан масъулиятни тубдан кучайтиришга хизмат қилади. Умуман олганда, ушбу меъёрий ҳужжатларда белгиланган тадбирларни ҳаётга изчил татбиқ этиш орқали оилалар мустақамлиги тўла кафолатланади, натижада айрим оилалар-

да беқарорликка сабаб бўлаётган масалалар, оталикни белгилаш ва ёлғиз оналар муаммоси ҳам ўз ечимини топади. Албатта, камчилик ва нуқсонлар ўз-ўзидан барҳам топмайди. Ота-боболаримизнинг оила, турмушга оид бой маънавий меросидан, тажрибаларидан ибрат олиб, ножиоз иллатларга қарши янада изчил кураш олиб бориш лозим.

Янгиобод ва Зафаробод туманлари ФХДБ бўлимлари томонидан турмуш ва никоҳ мустақамлиги мавзусидаги тарғибот ишлари доимий равишда олиб борилмоқда. Зеро, оила қанча мустақкам бўлса, умрнинг бахтли, файзли онлари, неъматлари барчага бирдай татийди. Шу нуқтаи назардан амалдаги қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳар бир оиланинг фаровонлиги ва мустақамлигини кафолатлайди.

Дилфуза УММАТОВА,
Зафаробод туман ФХДБ бўлим мудирини,
Ғулзода ҲАЙДАРОВА,
Янгиобод туман ФХДБ бўлим мудирини

Билмагани билган яхши

«Ёт аралашган қариндошлик» ёки...

? — Қонунчилигимизда "Ёт аралашган қариндошлик" ва "Ёт аралашмаган қариндошлик" атамалари ҳақида эшитганим. Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз...
А.Узоқов
Қибрай тумани

— Оила кодексининг 58-моддасида бу ҳақда тўлиқ баён этилган. Унга кўра, ака-ука ва опа-сингиллар "Ёт аралашмаган" ва "Ёт аралашган" қариндошлар бўлиши мумкин. Ака-ука ва опа-сингиллар бир ота-онадан туғилган бўлса, "Ёт аралашмаган қариндош" ҳисобланади. Агар ота бир, она бошқа ёки аксинча бўлса, "Ёт аралашган қариндош" ҳисобланади. Ёт аралашмаган қариндошликда ака-ука ва опа-сингиллар туғилган, ёт аралашган қариндошликда эса ака-ука ва опа-сингиллар ўғай ҳисобланади.

Шунингдек, Оила кодексига мувофиқ, эр-хотиннинг илгариги никоҳларидан бўлган болалари ўзаро қариндош ҳисобланмайди, деб белгиланган.

Саволга М.Улуғбек туманидаги 11-сонли ДНИ нотариуслари Шухрат МАДАЛИЕВ ва Шухрат РУСТАМОВ жавоб берди.

Васиятнома қандай ёзилади?

? — Тоғам кексалиги ва касаллиги сабабли васиятнома имзолай олмайди. Унинг ўрнига жияни сифатида мен имзолашим мумкинми? Умуман васиятнома қандай тузилади?

Б.Жўраев
Олмазор тумани

— Мумкин. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятнома имзолай олмас, унинг илтимосига биноан нотариус хузурида (васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олгани сабаблари кўрсатилган ҳолда) бошқа шахс имзо қўйиши мумкин. Фақат қуйидаги шахслар бундан мустасно:

— нотариус ёки васиятнома тасдиқловчи бошқа шахс;

— васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс ва унинг оила аъзолари, шунингдек, васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;

— тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;

— саводсиз, васиятнома имзолай олмайдиган бошқа шахслар;

— ёлғон гувоҳлик берганлиги учун муқаддам судланган шахслар;

— қонунда кўрсатилган бошқа шахслар.

Васиятнома шахсан тузилади, уни вакил орқали тузиш мумкин эмас. Бундан ташқари, васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилади. Бунда васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиб, фамилияси, исми ва отасининг исми тўлиқ ёзилиши шарт.

Саволга Олмазор туманидаги 11-сонли ДНИ нотариуси Раҳима Жўраева жавоб берди.

Ёшлар тарбиясида муҳим қонун

? — Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини қайси органлар, муассасалар амалга оширади?

Р.Шодиев
Шайхонтоҳур тумани

Саволингизга 2010 йилнинг 30 сентябрдан кучга кирган "Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тўғрисида"ги Қонундан жавоб топиш мумкин. 6 боб, 36 моддадан иборат мазкур Қонуннинг мақсади воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонуннинг 2-бобида воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар, муассасалар тизими белгилаб берилган. Улар воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ички ишлар органлари, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари, васийлик ва ҳомийлик органлари, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларидир. Мазкур органлар ҳамда муассасаларнинг молиявий ва моддий-техника таъминоти (32-модда), низоларни ҳал этиш (33-модда) ва қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик (34-модда) тартиблари ҳам Қонунда қатъий белгилаб қўйилган.

М.МАНСУРОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги 7-сон ДНИ нотариуси

Хотинингизнинг розилиги шарт эмас

? — Амаким менга ҳовлисини ҳадя қилиб кетган. Ҳозир уни сотмоқчиман. Бунинг учун турмуш ўртоғимнинг розилиги талаб қилинадими?

Қайрат Нурматов
Оҳангарон тумани


— Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, эр-хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шу билан бирга, никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулклар улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ушбу мулкларни тасарруф этишда сотувчи турмуш ўртоғининг розилиги талаб этилмайди.

Демак, агар ҳақиқатда никоҳ давомида ҳадя ёки мерос тариқасида мол-мулк сизга қолган бўлса ва бу расмийлаштирилган бўлиб, етарли ҳужжатлар тақдим этсангиз, турмуш ўртоғининг розилиги шарт эмас.

Саволга Мирзо Улуғбек туманидаги 7-сонли ДНИ нотариуси Камелиддин ҚАМБАРОВ жавоб берди.

**Янги йилинги билан,
азиз юртдошлар!
Мустақкам оила
йилида ҳар бир
хонадондан тинчлик-
омонлик, сиҳат-
саломатлик, қут-
барака, аҳиллик ва
хушқайфиятлар
аримасин.**

**ТАЪЛИМ ВА ФАН
ХОДИМЛАРИ КАСАБА
УЮШМАСИ ФАРҒОНА
ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ**



**«Асака банк»
ОАЖ жамоаси**

**таълим ва фаннинг оқлини янги —
2012 йил — Мустақкам оила йили
билан таъриқлайдиган.**

**Халқимизга янги зафарлар,
бахт-савоат ёр бўлсин!**

МАЪНАВИЯТ

☞ Тафаккур тадрижи

Алишер Навоий халқимизнинг онг ва тафаккури, бадий маданияти тарихида бутун даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг гурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир.

Ислом КАРИМОВ

Навоий асарларида адолат мезони

Жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган Шарқ маданияти, фалсафаси, маънавияти, маърифати, ижтимоий-сиёсий тафаккури азал-азалдан адолат, эъзулик, тенглик, ҳақиқат мезонларига таяниб ривож олган. Чунки адолат инсон ҳаёти, унинг қадр-қимматини белгиловчи, улугловчи ўлчов. Адолат шамчироғи ловуллаб ёниб, нур таратиб турмаган, у қарор топмаган мамлакатда ижтимоий барқарорлик бўлмайди, зиддиятлар авж олади, юртдан хайр-барока кўтарилади. Инсоний қадр-қимматга путур етади.

Э лу юртининг ободлиги, тинчлиги эъзулик ва соҳватининг устувор бўлиши, одамларнинг шоду хурсандлиги — буларнинг ҳаммаси адолатга боғлиқлигига тарихдан бир қатор мисоллар келтириш мумкин. "Кешининг олижаноблиги, — деб ёзади Алишер Навоий, — саҳийлигининг зиёдалигидандир. Меҳрибонлиги эса ўта ғамхўрлигининг натижасидандир. Агар кимсани буюк ва шарафли деб эъзозласанг-у, унинг қилмишида одиллик учрамас экан, халқ уни адолатли демайди.

Навоийнинг адолат ва ҳақиқат ҳақидаги таълимоти Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлар асосида талкин қилинади. Буни Навоийнинг куйидаги сўзларидан ҳам билиш мумкин: "Икки дунё шохи Расули Акрам ўзининг ҳадисида адолат ахлига шундай башорат қилган эди: "Адолат билан ўтган бир соат инсони жин хайлининг тоат-ибодатидан афзалдир".

Навоий Сукрот, Афлотун, Арасту каби юнон файласуфларининг ҳикматлари, адолат ҳақидаги таълимотлари, Искандарга берган йўл-йўриқлари ва маслаҳатларидан яхши хабардор бўлган. Бунга унинг "Фарҳод ва Ширин", "Садди Искандарий" ва бошқа асарларидаги адолат, тенглик, маърифат ҳақидаги қимматли фикр-мулоҳазалари мисол бўлади.

Навоий "Хамса"сида Искандарнинг адолат натижасида қандай ишларни амалга ошириш мумкин, деган сўроғига Арастунинг жавоблари келтирилган. Арасту шундай дейди: "Агар шохга адолатли бўлиш кундаги одатга айланса, унга бутун оламу дин таслим бўлади. У бу дунёда жаҳонни эгаллаган бўлса, дунёдан ўтгач, жаннат тахтини эгаллайди. Агар шох ҳар бир ишда адолат бунёд этар экан, бунинг натижасида унинг мулки — мамлақати ҳам обод бўлади. Мамлақати обод бўлиб, халқи бойидими, демек, хазинаси тўлиб-тошади.

"Хамса"нинг ҳамма дostonларида, айниқса, мутафаккирининг "Садди Искандарий", шуниингдек, "Тарихи мулуку Ажам", "Тарихи мулуку Анбиъ ва ҳукамо", "Вақфия", "Мушоот", "Маҳбуб ул кулуб" каби қатор асарларида, ғазаллари, рубойларида адолат мезонлари ҳақида ўз қарашлари баён этилган.

Хулоса шуки, адолат, унинг ижтимоий-фалсафий моҳияти улуг мутафаккир Алишер Навоий асарларида бу қадар чуқур таҳлил этилиши, ҳақиқатга интилиш қурраи заминдаги барча эл-улусларнинг одоб-ахлоқ мезонларига мустаҳкам таянч бўлади.

Шокир РАҲИМОВ,
ҳуқуқшунос

☞ Ўқинг, бу қизиқ

Арча — бахт рамзи

Янги йилни арчасиз тасаввур қила олмаймиз. Асосан Европа қитъасининг шимолий ҳудудларида яшаган халқларнинг эътиқодига кўра, арча қадим замонлардан бери бахт келтирувчи дарахт ҳисобланиб келинади. Шу сабабли бўлса керак, бахт рамзи бўлмиш арча кейинчалик Янги йил байрамида одамларнинг уйи тўридан ўрин оладиган бўлиб қолган.



Ҳозирги кунда байрам арчаларини ўзига хос жило бахш этадиган ранг-баранг ўйинчоқлар билан безатиш одатга айланган. Буни қарангки, арча ўйинчоқларининг пайдо бўлиш тарихи ҳам жуда қизиқ. Урта асрларнинг охирида Европа мамлакатлари аҳолиси янги йил муносабати билан уйлари беатишни бошлади. Уша пайтлар арча безатиш тақиқланганига қарамастан, одамлар арча новдаларини уйларига олиб келишар ва янги йилни беатилган арча атрофида кутиб олишарди. Натижада XVI асрнинг биринчи ярмига келиб бу бутунлай анъанага айланиб улгурди.

Айтиш жоизки, XVIII асрларга келиб арча ўйинчоқлари ейиш мумкин бўлган ширинликлардан иборат бўлган. Масалан, ёнғоқ, ҳар хил қандолат маҳсулотлари, мева-сабзавотлар. Шу билан бирга, ўша пайтларда арча новдаларига албатта вафли (катта-катта юлқа печенье)лар илинган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб арча ўйинчоқлари янада кўркاملаша бошлади. Ўйинчоқлар рангли қоғозлар ва тухум пучоғидан ясаладиган бўлди. Мафтункор пари, фаршта кўринишидаги ўйинчоқлар, қушлар, балиқ билан безатиш ҳам айнан ўша пайтларда русумга айланди. Кумуш юлдузлар, гуллар ва зар иглар эса XVIII асрда юзага чиқиб, кумуш ва тилла рангларда турли хил нақшлар билан безатиларди. 1848 йили эса Германиянинг Лауш шаҳарчасида биринчи арча пуфаклари пайдо бўлди. Уларни рангли ёки шаффоф ойнадан ясашарди. Тез орада усталар турли ўлчамдаги янада юлқа, ранг-баранг, пуфакдай нозик шиша ўйинчоқларини яратадилар.

Лаушлик усталар арча ўйинчоқларини ясаш ва ишлаб чиқариш бўйича бир неча ўн йиллар давомида илгўрлик қилганлар. Лекин секин-аста Европанинг бошқа мамлакатлари ҳамда АҚШ ва Японияда ҳам бир-бирдан нафис ўйинчоқлар ишлаб чиқарила бошланди. Ана шу рақобат тулали XIX асрда ҳар хил кўринишидаги арча безакларини ишлаб чиқариш кенг тус ола бошлади.

Шаҳина ОКИЛЖОНОВА

«Билимдон Пресс» масъулияти чекланган жамияти, «Билимдон», «Знайка» журналлари ва «Доно ворг» газетаси бирлашган ижодий тахририятлари



2012 йил — Мустаҳкам оила йилида ҳар бир хонадондан қут-барока, тинчлик-омонлик, хушкайфият ва омад аримаслигига, навниҳол фарзандларимиз иқболи янада очилишига тилакдошимиз.

мустақил юртимизнинг бунёдкор ва ижодкор халқини Янги йил шодлиқлари билан қизгин табриклайди.

☞ Тахририят почтасидан

Саҳнада сайқал томон истеъдод

Ўзбек кинеси ва театри тарихида ўз ўрнига, юксак мавқега эга бўлган бу актёрнинг ижро этган роллари жудаям ранг-баранг. Гарчи уларнинг аксарияти салбий образлар бўлса ҳам, кучли драматизмга бойлиги, моҳирона ижроси билан ажралиб туради. Масалан, биргина "Ўткан кунлар" фильмидаги Ҳомид образини олайлик. У камгап, чуқур мулоҳазали, айни пайтда ўта маккор, қасоскор одам. Актёр унинг қиёфасини юксак маҳорат билан очган. Томошабин ҳали-ҳануз уни хотирласа, Ҳомид билан юзма-юз кетгандай бўлаверади.



эътибор қаратди. У аммаси билан Кўкон театрида бўладиган репетиция ва томошалар-

га бориб, санъат сирларини ўрганди. Аммо тўсатдан бошланган машум уруш унинг ҳаётини бошқа ўзганга солиб юборди. Ёш Ҳамза фронтга отланди.

Урушдан қайтгач, "Ўзбек-фильм" қошидаги актёрлар тайёрлаш студиясида, кейин эса Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида тахсил олди. 1951 йили бу даргоҳни муваффақиятли якунлаб, фаолиятини ўзи ишлаб турган муқимий театрида давом эттирди. Шу масканда тахриба орттирди, ўсди, камол топди.

Санъаткор "Армуғон" спектаклидаги разведкачи Жаъфар ролдан бошлаб бутун бир образлар галереясини яратиб, элга танилди. Аммо дастлабки роллари — Хузурхўжа ("Нурхон"), Шопур ("Фарҳод ва Ширин") образларини талқин этишда ҳали сўз билан қўшиқни боғлаб ифода қилишни яхши билмасди. Кейинчалик сахнавий характер яратишда мана шу узвийликка интилди. Натижада Аскаралли ("Муқимий") ва Фани ("Олтин кўл") ролларида сўз ва қўшиқни хатти-ҳаракат билан органик боғлашга аришти.

Санъаткор миллий драматургияда образ яратиш билан кифояланмай, классик асарларда ҳам ўзига муносиб рол-

ларни ижро этди. Жумладан, Шекспирнинг "Ўн иккинчи кеча" комедиясидаги қизиқчи Фесте ролини ўйнади. Маълумки, Шекспирнинг кўпгина пьесаларида қизиқчи образи мавжуд бўлиб, улар доимо содда ва тентакнамо кўринишда фалсафий фикрларни баён қилишди. Фесте ҳам шундайлардан. Бошқаларни қулдиришда, ўзи қулмайди. У беҳад ақли ва зийрак. Ҳамза Умаров Фестени худди шу мезонда таваллантиришга муваффақ бўлди.

Таниқли санъаткор ўзини драматургияда ҳам, режиссёрликда ҳам, киноактёрликда ҳам синаб кўрди. Чунончи, 1963 йили у "Ишқинг билан" асарини ёзиб, ундаги Шукр ролини ўзи ўйнади. И.Радун билан биргаликда спектаклга режиссёрлик ҳам қилди. 1970 йилда осетин драматурги Георгий Хугаевнинг "Хотинимнинг эри" пьесасини русчадан ўзбек тилига таржима қилиб, Б.Ихтиёров раҳбарлигида сахналаштирди ва ўзи бош қаҳрамон Азиз (Казбек) тимсолини яратди.

Забардаст санъаткор кинода ҳам бир-бирдан жозибали ўнлаб образлар яратишга муваффақ бўлди. "Қутлуг қон" фильмида Салимбойвачча, "Қора консулнинг ҳалокати"

да Мадаминбек, "Шиддат" фильмида агроном, "Ўткан кунлар"да Ҳомид, "Еттинчи ўк" фильмида Хайрулла ролларини ўйнаб, томошабинлар олқишини олди.

Табиатан импровизацияга бой бўлган Ҳамза Умаров ҳар бир роль устида жиддий иш олиб борарди. У ўзига топширилган образнинг қайси мезондалигидан қатъи назар, ишни аввало пухта ўрганиб, кейин ўша персонаж характери ва хатти-ҳаракати ҳамда "олий мақсадини" синчиклаб тадқиқ қилгани сезилади. Қаҳрамоннинг характерида ва хатти-ҳаракатидан келиб чиқиб, индивидуал нуқтини ва нуқтий талаффузини топа олгани фикримиз тасдиғидир.

Санъаткорнинг яна бир ёрқин фазилати — бадий сўзнинг қадрига етадиган актёрлигида эди. Томошабинга сўзни "чайнамасдан" бутун шираси ва мазмуни билан етказишга, унинг тўб маъноларини тўлиқ очишга интиларди. Бинобарин, Ҳамза Умаров ижроси ва талаффузида ҳар бир сўз мулжалга аниқ тегади. Етуқ санъаткор яратган образлар ҳали-ҳамон барчамиз учун кадрли, юрагимизга яқинлиги шундан.

Мирислом БАДАЛОВ

«Нон азиз»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Берча хотандошларимизни

Янги 2012 йил —

Мустаҳкам оила йили билан

чин қалбдан муборакбод этам.



Янги йилда муборак

замин аҳлига сиҳат-саломатлик, оилавий

бахт, хушкайфият ва тинчлик-хотиржамлик тилайди!

Дилдан тошган тўйчулар

Муаттар АСКАРОВА, "Ахборот" информацион дастурлар бош мухарририяти сийёс шарҳловчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист:



— Ҳақиқатда 2011 йил мен учун жуда бахтли ва ҳаяжонли дақиқаларга бой йил бўлди. Энг улуғ ва энг азиз байрагимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Президентимиз Ислам Каримовнинг Фармонларида мувофиқ мамлакатимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, кўп қиррали ҳаётимизнинг турли тармоқларида ўзининг ҳалол меҳнати билан ўрнак бўлган бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг мукофотлари — фахрий унвон, орден ҳамда медаллар билан тақдирландилар. Улар қаторида мен ҳам "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвонига сазовор бўлдим. Уша ҳаяжонли дақиқалар, самимий табригу тилаклар мени қанчалик бахтиёр этганини, кўнглимни осмон қадар кўтарганини сўз билан таърифлашга ожизлик қиламан.

Кириб келаётган 2012 йилдан умидларим катта. Негаки, "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" да ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий негизини мустаҳкамлаш, давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга йўналтирилган янги қонунлар қабул қилиниши белгиланган. Бу эса, албатта, миллий журналистикамиз ривожини йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади.

Янги — 2012 йил бўсағасида ҳамкасбларим — заҳматқаш қалам аҳлининг касб-қорига барака тилайман. Меҳнатидан қадр топишсин, эл-юрт ардоғида бўлиш бахти насиб этсин!

Асрор МҮМИН, "Ўзбекистон овози" газетаси бўлим мудири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист:



— Одамзот ҳаётида шундай йиллар бўладики, урнинг зийнатига айланади. Сўнмас шухуни унингна эмас, авлодларини ҳам ҳамиса руҳлантириб туради. Ҳақиқатда 2011 йил мен учун ана шундай фароҳбахш йил бўлди. Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида журналистларнинг энг юксак унвонига муносиб қўрилганим кўнглимни кечисиз қувонч-ифтихорга тўлдирди. Айни пайтда зиммамга жуда катта масъулият юклатди.

Чиндан ҳам бу йил мен учун хайрли бошланди. Узок вақтдан буён авар шоири Расул Ҳамзатовнинг "Менинг Достоним" бадиасини таржима қилиб келаётганим. Йил бошида шу китобнинг она тилимиздаги намуна нусхасини қўлга олдим. Ватан, миллат, тил, умуминсоний қадриятлар

ҳақидаги бу китоб элим деб, юртим деб иход қилаётган ҳар бир инсон учун маънавий озуқа сифатида аҳамиятлидир. Бу таржиманинг нашрдан чиқиши қатор янги шеърлар ва "Ўзбекистоннома" дostonимни ёзиб тугаллашим учун илҳом бағишлади. Янги шеър, дoston ва таржималарим Конституция кунини арафасида "Тафаккур" нашриётида чоп қилинган "Ширин олма" китобимдан жой олди.

Албатта, ўтаётган йилда газета-журналларда "Журналистик — олижаноб касб", "Журналистиканинг энг долзарб вазифаси", "Бугун устознинг хурмати ҳам, шогирдининг масъулияти ҳам баланд", "Эзгуликдан эзгулик яралади", "Мен эмас, Ўзбекистон чемпиони бўлди", "Табиатнинг етти мўъжизаси" каби ўнлаб таҳлилий мақолаларим чоп этилганидан хурсандман.

Журналист учун ҳар бир мақоланинг ёзилиши синон-имтиҳон, нашр этилиши шодиёна, эътироф қилиниши байрам. Менга шундай қувончли кунлар насиб этди. Тажриба ошган сайин ўзининг ёзганларинга нисбатан талабчанлигини ошиб боравиради. Фахрий унвонга муносиб қўрилганим талабчанлигимнигина эмас, журналистик бурчига бўлган масъулиятимни ҳам оширди. Энди мен юрагимдан жой олган мавзуларни вақти келганда ёзарман деб пайсалга сола олмаيمان! Келгуси йилда уларни публицистик мақолалар тарзида қозғашга тушириш учун бор зехим ва тажрибамни сафарбар этаман.

Кириб келаётган янги йил билан юртдошларимизни янн юракдан табриклар эканман, уларга келгуси йилда ўз олдларига Ўзбекистонимиз буюк келажагини қуришга хизмат қилаётган улуғ мақсадлар қўйишларини тилайман. Юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги, Ватанимиз раванки йўлида ҳамфикр, ҳамқадам бўлайлик!

Абдували КУТБИДИНОВ, "Халқ сўзи" газетаси шарҳловчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист:



— 2011 йил бизни оламга яна бир бор истеъдодимиз, яратувчилик салоҳиятимиз миқёси билан танитди. Масъулан, Андижон Самарқанд, Термиз ва Тошкентдаги бунёдкорлик ишлари хайратимга ҳайрат, завқимга завқ, гуруримга гурур қўшди.

Чўқурроқ разм солсак, ҳар вилоятимизда, туманимизда, қишлоғимизда ёқимли ўзгаришлар, янгиликлар содир бўлди. Яна қандай даврда денг! Дунё молиявий, иқтисодий-сийёсий бунҳонлар гирдобидида қолиб кетган бир пайтда, айрим мамлакатларда бир ғишт қўйиш у ёқда түрсин, эртага қандай яшаймиз, деган хавотир нафасини бўғиб турган вақт макониди — биз ўзимизни, бугунимизни, эртанимизни бунёд этаймиз ва яна бунёд этаймиз, тагин бунёд этаймиз. Сира тўхтамасдан, ишонч ва қатъият ила... Зеро, бунёд этмоққа бўлган интилиш-тинчлик хотиржамлик берган илҳом. Фаровонлик тақдим этаётган муваззамлигим, "Биздан обод ва озод Ватан қолсин" деган даъватга нисбатан масъулият, Ватанга нисбатан фарзандлик ҳақи ва бурчи, оилага нисбатан меҳр-муҳаббатдандир.

Назаримда, "Ўзбекистон" деган сўзда буюк қудрат мужассамлашгандай. Одам буюк деган сўздан роҳатланиши учун шунга яраша имконияти, интилиши даҳлсизлиги, озод ва эмин-эркин ўй суриши, шаҳдам қадам ташлаш ҳуқуқи мавжуд бўлиши керак. Истиқлол айнан бизга шуларни берди. Бугун унинг мевалари кўз ўнгимизда намоён.

Кўнглимдаги яна бир ҳаяжон шундаки, камтарона меҳнатим Юртбошимиз томонидан тақдирланди. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" унвонини берилгани ҳақидаги хушхабарни эшитиб,

мисоли қабутардай парвоз қилдим, десам муболаға эмас.

Мустақиллик ҳаммамизга буюкликни англашни, унга интилишни, муваффақиятга эришиш шухуқини берди. Бинобарин, буюкликда иллат йўқ, у абдий эзгулик, мангу яхшилик, боқий барқарорликдир. Шундай экан, биз Юртбошимиз тамал тошини қўйган "буюк давлатни" муқаррар қуражамиз. Бунга ишончимиз қомил, чунки динидан, миллатидан, келиб чиқишидан қатъи назар, биз, ўзбекистонликлар бир бутун оиламиз — мустаҳкам, кучли, бирдам ва ҳамнафас, меҳрибон ва оқибатли, ҳеч қачон орқага қайтмайдиган, нури манзиллар сари ўзимиз ташлаган йўлдан дадил одимлаётган аҳдида собит бир бутун оиламиз.

Тилагим — 2012 йил — Мустаҳкам оила йилида Ватанимизда буюкликнинг янги саҳифалари битилсин. Биз яна илдамлайлик. Шону шухратимиз янада ошсин!

Гулчехра УМАРОВА, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бўлим мухаррири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими:



— Умримнинг ҳар бир йилини, қандай ўтганидан қатъи назар, шухронлик билан қузатишга одатланганман. Чунки ҳар йил ўзим, оилам, узок-яқинларимга бирор янгилик, яхшилик ҳада этади. Бу йил эса ҳаётимда унутилмас бир саҳифа бўлиб қолади, десам муболаға эмас. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" унвонини билан тақдирланишим менга ва оиламга жуда катта қувонч олиб келди. Матбуот соҳасидаги кўп йиллик хизматим ҳуқуқимиз томонидан шунчалар юксак эътироф этилгани қалбимни фахр ва ифтихор хисларига тўлдирди.

Хушхабарни эшитганимда кўз олдима "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси тахририятига илк қадам қўйган вақтим ва ўтган 33 йиллик иш фаолиятим намоён бўлди. Мен шу газетанда, ҳозирги кунга қадар бирга ишлаган барча ҳамкасбларим кўмағида журналист бўлиб шаклландим, профессионал маҳоратимни оширдим. Бинобарин, барча ҳамкасбларимнинг хиссаси бор бу муқофотда.

Унвон билан тақдирланганимдан қанчалик қувонган бўлсам, эл-юртнинг эътирофи ва ҳурмати зиммамдаги масъулият юқини шунчалик кучайтирди. Бундан буён ўзимга бир қанчалар ишонччи оқлаш учун ҳар қачонгидан жиддий ва самарали изланишим зарурлигини тушундим.

Мустақиллик йилларида санъат журналистикасида катта ўзгаришлар юз берди, санъатнинг барча соҳалари бўйича журналист кадрлар тайёрлаш иши жиддий йўлга қўйилди. Бугун бу ёш кадрларнинг аксарияти матбуот, радио-телевидениеда фаол иш олиб борапти. Лекин олдимида ҳали масъулиятли вазифалар турибди. Айниқса, миллий эстрада, кино, театр, мусиқа, тасвирий санъат йўналишларида жиддий таҳлилий мақолаларга, етуқ профессионал сўхбатлар, ижодий портретларга, тадиқикотларга эҳтиёж катта. 2012 йилда ва кейин кўлимдан келганча ёш санъатшунос-журналистлар тайёрлаш ишига хисса қўиши ниятидаман. Зеро, миллий санъатимизнинг барча соҳаларида қадрият ва аъналаримизнинг сақланиб қолиши, уларнинг замонавийлик билан уйғун ривожланган ҳолда авлодларга беэавол этиб боришида матбуотнинг, биз журналистларнинг алоҳида ўрни бор.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган янги йил айёми билан муборакбод этиб қоламан.

Иномжон АБДИЕВ тайёрлади.

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ жамоаси

Она Ватанимиз равнақи ўйлида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизни Янги — 2012 йил билан чин дилдан муборакбод этади.

Янги йилда кўнгуллардаги эзгу тилаклар, барча режалар рўёбга чиқсин. Омад, бахт, қувонч ҳаммага ҳамроҳ бўлсин!



Байрамингиз муборак, азизлар!

«Таллимаржон ИЭС» унитар корхонаси жамоаси

юртимиз аҳлини яқинлашиб келаётган

2012 йил — "Мустаҳкам оила йили"

билан чин дилдан қутлайди.

Янги йил барчамиз учун қутлуғ келсин.

Хонадонларимиздан файз-тароват, оилаларимиздан тотувлик-осойишталик, дастурхонларимиздан қут-барака аримасин.

Мустақил диёримиз узра тинчлик қуёши доимо барқ ураверсин!

ЯНГИ ЙИЛ ХАНДАЛАРИ

Хонадонга Қорқиз келиб, болаларни жамлабди. Улар арча атрофида ашула, шеърлар айтишибди. Қорқиз: — Қани, болалар, энди ҳаммамиз бирга Қорқибони чақирамиз: — Қорқобо, Қорқобо, Қорқобо... — Келмайди, — дебди Зафар. — Нега? — сўрабди Сухроб. — Қорқобо қўшнимиз Зиёдулла амаканикида ичиб ўтирибди.

Уртоқлардан бири иккинчисига кўнгирак қилди: — Алло, Ҳаби, янги йилни яхши кутиб олингми? — Билмасам, яхшидир-да, хотиним хурсанд-ку! — Узинг-чи? — Мен жуда зўр кутдим, норин, қазн-қарталар, ош, манги, лағмон, чучвара... — Бутун чойхона ҳам бор, биласан-а? — Йўқ, боролмайман. Касалхонага тушиб қолдим...

